

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВА ШОХИСТА БОБОХОЛОВНА**

**ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ ВА  
ФАНГА ОИД ХУСУСИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ  
(9-синф, биология фанини ўқитиш мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Хасанова Шохиста Бобохоловна**

Интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва  
фанга оид хусусий компетенцияларини шакллантириш  
методикаси (9-синф, биология фанини ўқитиш мисолида) ..... 3

**Хасанова Шохиста Бобохоловна**

Методика формирования базовых и конкретно-предметных  
компетенций учащихся на основе интегративного подхода  
(на примере преподавания биологии в 9 классе) ..... 23

**Khasanova Shokhista Bobokholovna**

Methodology for the formation of pupils' basic and subject  
competences based on an integrative approach  
(on the example of teaching biology in Grade 9) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-  
ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ХАСАНОВА ШОХИСТА БОБОХОЛОВНА**

**ИНТЕГРАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА ЎҚУВЧИЛАРДА ТАЯНЧ ВА  
ФАНГА ОИД ХУСУСИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ  
(9-синф, биология фанини ўқитиш мисолида)**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Ped657 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www@nuu.uz](http://www@nuu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Холбой Ибрагимов,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Сапаров Қаландар Абдуллаевич,**  
биология фанлари доктори, профессор

**Аҳрарова Зебунисо Бахромовна,**  
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-67-35; факс: (+99871) 246-02-24; e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz).)

Диссертация билан Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М.Арипов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси ф-м.ф.д, профессор

**Д.М.Махмудова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

**М.Тухтасинов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
ф-м.ф.д, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё ҳамжамияти томонидан таълимни барқарор тараққиёт, глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларига мослаштиришда табиий фанлар, жумладан, биология фанининг таълим олувчиларда соғлом турмуш маданияти, валеологик ва экологик компетентлиликни ривожлантиришдаги таъсирга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса биология таълимининг компетенциявий ёндашувга асосланган технологиялаштирилган шакллари, ўқитишнинг амалий бирлигини таъминлаш имкониятларига йўналтирилган симуляцион тизимлар, мустақил тадқиқотчилик кўникмаларини ривожлантирувчи виртуал лабораторияларга бўлган қизиқиш ва талабни кучайтирмоқда.

Жаҳонда табиий фанлар, жумладан, биологияни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг табиий-илмий дунёқарашини ривожлантириш, умумий ўрта таълим тизимида фанларни интеграциялаб ўқитиш механизмларини яратиш, педагогик ва дидактик асосларини аниқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш, биологик билимларни кундалик ва ҳаётий фаолиятда қўллаш олиш лаёқатини ошириш, билимларни тўлиқ ўзлаштириш технологиясини такомиллаштириш, витаген таълимни қўллаш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар биология дарсларида педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини интегротив ёндашув асосида қўллаш, ўқувчилар компетенцияларини шакллантириш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар биология фанини ўқитиш жараёнига халқаро тажрибаларни самарали татбиқ этиш, ўқувчиларнинг табиий-интеллектуал қобилиятини ривожлантиришда интегротив таълим технологияларидан фойдаланиш даражасини оширди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида «ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада ўқувчиларда таянч ва фанга доир компетенцияларни шакллантиришнинг биологик ва инфорацион таркибий асосларини аниқлаштириш, интегротив ёндашувга асосланган биология фанини ўқитишнинг «компьютерли таълим методи»ни таълим амалиётига жорий этиш механизминини такомиллаштириш, хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш таълим сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармони. // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 06/19/5712/3034-сон, 29.04.2019 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5313-сонли, 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сонли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли, 2018 йил 8 декабрдаги «Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 997-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.”Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Интегрatív таълим ва компетенциявий ёндашув муаммолари ўзининг илмий, назарий ва амалий хусусиятига эга соҳа эканлиги илмий тадқиқотларда қайд қилинган.

Республикада таълим тизимини ахборотлаштириш, педагогик ва ахборот технологияларини интеграциялаш, ўқитиш жараёнига электрон ва масофавий таълимни жорий қилиш А.А.Абдуқодиров, М.М.Арипов, У.Ш. Бегимкулов, Р.Х.Джураев, Н.И.Тайлақов, Ш.Абдураимов, Д.Н.Маматов; биология ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш: А.Т.Ғофуров, Ж.О.Толипова, М.Лутфуллаев, Г.С.Эргашева, А.К.Рахимов, И.Азимов, Н.Ж.Тошманов кабилар томонидан тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш, интегрatív таълим ёндашувлари, таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш муаммолари: С.Л.Атанасян, Л.Г.Ахметов, В.П.Беспалько, Г.А.Берулова, Л.О.Билимханова, М.М.Бондарук, О.В.Бережная, З.И.Валиева, О.Ю.Марчукова, И.В.Никишина, Л.В.Пивоварова, Н.З. Смирнова, Н.Ф.Радионова, А.П.Тряпицина, Л.И.Цветкова, А.В. Шутенко, А.И.Юдин, А.В.Хуторской каби олимлар томонидан ўрганилган.

Хорижий давлатларда биология таълими жараёнига интегрatív технологияларни жорий қилиш, педагогик ва ахборот технологияларни ривожлантириш, ўқувчиларнинг билиш ва тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш соҳасида С.Veld, S.H.Irons, A.A.Levesque, S.R.Simonson, S.E.Shadle, D.F.Slish, M. K.Smith, C.Trujillo, A.Šorgo, B.J.Tewksbury, M.P.Shaver, J.H.Hageman, S.Hennessy, J.D.Walker кабилар тадқиқот олиб борган.

Юқорида келтирилган тадқиқотларда таълимда интегратив технологиялардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш соҳасида назарий ва амалий аҳамиятга эга айрим ёндашувлар илгари сурилган бўлса-да, биологияни ўқитишда электрон таълим ресурсидан фойдаланган ҳолда интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш методикаси махсус тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ХТ-Ф2-025 рақамли «Педагогик кадрларни тайёрлаш бўйича психологик-педагогик диагностика назарияси ва амалиётини такомиллаштириш стратегияси» (2015–2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш методикасини электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш асосида такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўқувчиларда таянч ва фанга доир компетенцияларни шакллантиришнинг биологик ва информацион таркибий асосларини аниқлаштириш;

интегратив ёндашувга асосланган биология фанини ўқитишнинг «компьютерли таълим методи»ни таълим амалиётига жорий этиш механизмини такомиллаштириш;

ўқувчиларда таянч ва биология фанига доир хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш;

электрон таълим ресурси асосида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва олинган натижалар самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида биология дарсларида электрон таълим ресурсидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш жараёни белгиланиб, тадқиқотга Навоий вилоятининг Навоий шаҳри, Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани ва Наманган шаҳри 18-мактабидан жами 618 нафар 9-синф ўқувчиси респондент сифатида жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети** – умумий ўрта таълим мактабларида биология фанини ўқитиш жараёнида электрон таълим ресурсидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид илмий, методик адабиётлар, электрон таълим ресурсларини қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, тест), тажриба-синов натижаларини математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда биологиядан таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш босқичлари мультимедиали таълим воситаларини (кўргазмали, интерактив, автоматлаштирилган) педагогик жараёнларга интеграциялаш шартлари ва хусусиятларини киритиш асосида аниқлаштирилган;

компьютер орқали қайта алоқа ва мулоқотни таъминлашга йўналтирилган электрон ахборот таълим муҳити тузилмаси интеграциялашган ёндашувларнинг дидактик имкониятлари (когерентлик, синектика, интродукция)ни киритиш асосида ишлаб чиқилган;

биология фани ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини ривожлантириш жараёнлари таълимий-дастурий воситалар таркибига интеграллашган тестлар ва коррекциялаш элементларини киритиш асосида такомиллаштирилган;

таянч ва биология фанига доир хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг методик таъминоти интегратив технология босқичларида «Инфобио» ўқув видеомулоқот жараёни мазмунини киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантиришда интеграциялашган ёндашувларга (когерентлик, синектика, интродукция) асосланган «Биология 9» номли электрон ахборот-таълим ресурси ишлаб чиқилган;

интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг ахборот-методик таъминоти яратилган;

шахсга йўналтирилган таълим асосида биология фанидан виртуал лабораторияларни ташкил этиш методикаси ишлаб чиқилган;

биологиядан электрон таълим муҳитида ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантиришга хизмат қиладиган методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, ОАК рўйхатида киритилган ва хорижий илмий журналларда нашр қилинган мақолалар, тайёрланган ўқув, услубий қўлланма ва электрон таълим ресурсининг амалиётга жорий қилингани, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистика методлари воситасида асослангани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биология фанини ўқитишда интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш жараёнининг мазмуни, ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари аниқлаш мезонлари шакллантирилгани, биология фанини ўқитиш самарадорлик кўрсаткичи оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш, инновацион таълим муҳитини яратишнинг ахборот-методик тизимини

такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларни ахборот-таълим муҳитида масофавий таълим имкониятларидан фойдаланишга тайёрлаш ва ўз-ўзини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, 9-синф биология фани учун тайёрланган электрон таълим ресурсидан академик лицей, педагогика олий таълим муассасаларида педагогик амалиёт, амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш методикасига доир тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларда биологиядан таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш босқичлари, мультимедиали таълим воситаларини педагогик жараёнларга интеграциялаш шартларига оид таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус касб ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қўлланган (Республика таълим марказининг 2019 йил 17 октябрдаги 01/11-01/01-2290-сон маълумотномаси). Натижада, биология фанидан компетенциявий ёндашувга асосланган таълим мазмунини тизимлаштириш ва ўқув материалларини структуралаш самарадорлиги такомиллаштирилган;

компьютер орқали қайта алоқа ва мулоқотни таъминлашга йўналтирилган электрон ахборот таълим муҳити тузилмаси интеграциялашган ёндашувларнинг дидактик имкониятларига оид таклифлар «Биология (9-синф)» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Республика таълим маркази, биология фани бўйича Илмий-методик кенгашининг 2019 йил 2-сон қарори, 01/11-01/01-2291-сон ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-03-3485-сон маълумотномалар) Натижада интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенциялари самарадорлигини ошириш имконияти кенгайтирилган;

биология фани ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини ривожлантириш жараёнлари таълимий-дастурий воситалар таркибига интеграллашган тестлар ва коррекциялаш элементларини киритиш, таянч ва биология фанига доир хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг методик таъминотига оид таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0910185149 рақамли «Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари» мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 14 сентябрдаги 89-03-3485-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини ривожлантириш, ўқувчиларнинг таълимий-дастурий воситалар билан ишлаш лаёқатини ва ўқувчилар компетенцияларини шакллантириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 12 та республика анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 номдаги илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография,

1 та услубий кўлланма, 1 та электрон дарслик, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 7 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий матни 124 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик аспекти, интегратив ёндашувнинг ўқувчиларда компетентлиликни шакллантиришдаги аҳамияти, мамлакат таълим тизимини барқарор ривожланиш ҳамда модернизация жараёнларига мослаштириш, ўқув жараёнига инновацион ғоялар, интеграциялашган технологиялар ва ишланмаларни фаол қўллаш орқали ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш муаммоси, ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантиришда интегратив ёндашувлардан фойдаланиш масалалари ёритиб берилган.

Таълим тизимидаги бугунги ижтимоий талаблар ахборотлаштириш жараёнларини ривожлантиришни тақозо этмоқда. Мактаб таълимини замонавий ривожланиш талабларига мослаштириш фанлардан электрон таълим ресурсларини такомиллаштириш, ўқувчиларнинг электрон манбалар билан фаол мулоқотини таъминлаш, мустақил таълимини амалга ошириш ва ўз-ўзини баҳолаш, зарурий маълумотни оператив излаб топиш ва юзага келаётган муаммоларни ҳал этишда ундан фойдаланиш компетенцияларини шакллантиришни назарда тутади.

Шу нуқтаи назардан таълим сифати кўрсаткичларидан бири компетентлилик ҳисобланади. Компетентлилик фақатгина билим ва кўникмалар йиғиндиси бўлибгина қолмай, ўқувчиларнинг эгаллаган билимларини мобиллаштириш ва аниқ вазиятларда тажрибада қўллай олиши билан тавсифланади. Компетенциявий ёндашувга асосланган ўқитишнинг асосий моҳияти биологиядан ташкил қилинган таълим-тарбия жараёнида ўқувчилар томонидан эгалланган билим, кўникма ва малакаларни ўз шахсий ҳаёти давомида, шунинг-

дек, келгуси касбий ва ижтимоий фаолиятларида қўллай олиш компетенцияларини шакллантиришга йўналтириш саналади. Ўқувчилар келгуси ҳаёти давомида шахсий, ижтимоий, иқтисодий ва касбий муносабатларга киришиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, мазкур жараёнда дуч келадиган муаммоларнинг ечимини ҳал этиши, энг муҳими ўз соҳаси, касби бўйича рақобатбардош бўлиши учун зарурий таянч компетенцияларга эга бўлиши лозим.


Ўқувчиларда шакллантириладиган компетенциялар уч даражага ажратилади: таянч компетенциялар; умумий (предметли) компетенциялар; хусусий (биологик) компетенциялар. Ўқувчи шахсининг умумий ривожланишига замин тайёрлайдиган компетенциялар таянч компетенция, фақат биология ўқув фани орқали таркиб топтирайдиган компетенциялар хусусий компетенциялар дейилади.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари зиммасига таълим-тарбия жараёни орқали ўқувчиларда таянч компетенциялар, жумладан, коммуникатив, ахборот билан ишлай олиш, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, ижтимоий фаол фуқаролик компетенцияси, умуммаданий компетенциялар, математик саводхонлик, фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда фойдаланиш компетенцияларини таркиб топтириш вазифаси юклатилган. Замонавий ёндашувлар ўқитиш жараёнида педагогик ва ахборот технологияларини ўзаро интеграциялаш орқали ўқувчиларда таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларни шакллантиришни назарда тутди.

Ўқувчиларда интегратив ёндашув асосида компетенцияларни шакллантириш тизими қуйидагилардан иборат этиб белгиланди (1-расм). Мазкур тизимда таълим мазмуни самарадорлиги, ўқитиш шакллари ва методларидан фойдаланиб педагогик ва ахборот технологиялари интеграцияси асосида ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш жараёни тавсифланган. Интегратив ёндашув босқичлари қуйидагилардан иборат: интероекция – ўқувчи индивидуал имкониятлари асосида ўзлаштираётган билимларини ўз ички дунёсига интегратив мотивлар билан қабул қилиши саналади. Бу жараёнда ўқувчиларнинг тафаккури муҳим ўрин тутди. Тафаккурнинг софистик, эклектик, метафизик-догматик, диалектик усуллари мавжуд бўлиб, инсон тафаккури фаолиятининг турли қирралари сифатида бир-бирига қарама-қарши, айна вақтда, бир-бирини тўлдиради.

Биологияни ўқитишда интегратив ёндашув орқали таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш биологик таълим-тарбия жараёнида вужудга келтирилган муаммоли ўқув вазиятларини ҳал этишда тафаккур операцияларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг ақлий фаолияти, ақл-заковатини ривожлантириш, онгли хатти-ҳаракатга йўналтириш, илмий дунёқарашини ривожлантиришга замин тайёрлайди.

Биологияни ўқитишда фойдаланилган кейс-стади, ақлий хужум, ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалар, фанга доир хусусий компетенцияларни баҳолаш мақсадида шакллантирилган тест топшириқлари ахборотни қайта ишлаш, таҳлил, синтез қилиш, қиёслаш, абстракциялар орқали умумлаштириш, хулосалаш, ўқув муаммосининг ечимини топиш натижасида янги ғояларни илгари суриш имконини берди.



1-расм. Ўқувчиларда таянч компетенцияларни шакллантириш тизими

Синектикада фан юзасидан амалга оширилаётган турли-туман ўқув-билув фаолиятининг концептуал хусусиятлари умумлаштирилади.

Биологияни ўқитишда ўрганилаётган мавзунинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда табиий фанлар – физика, кимё, биология, география соҳаларида ўзаро алоқадор бўлган табиий-илмий ғоя, қонуният ва тушунчалар мазмуни, процедура ва илмий билиш методларидан фойдаланилади.

Масалан, ҳужайранинг тузилиши мавзусида цитоплазманинг таркибини ўрганишда ўқувчиларнинг кимё, унинг функциясини ўрганишда эса физика фанидан ўрганилган қонуниятлардан фойдаланилади. Ўқувчиларнинг табиий фанлардан ўрганган билим, кўникма ва малакаларини янги вазиятда қўллаш синектика қоидаларига мос келади. Когерентлик интегротив ва мослашувчан дидактик жараёнлар, асосан, биология фанларидаги барча элементар принципларнинг бир-бири билан кетма-кетликда илмий-когнитив жиҳатдан жойланишини тақозо этади. 9-синфда биологияни ўқитишда фалсафанинг яққалик, хусусийлик ва умумийлик тушунчаси ҳақида дастлабки тушунчалар ҳосил қилинади. Масалан, яққа ва хусусий функцияни ҳужайра органоидларининг барчаси биргаликда умумий бажаради. Шунингдек, ирсият қонунларини ўрганишда ҳар бир ген алоҳида белгини вужудга келтиради ва генлар мажмуаси генотипни ҳосил қилади, умумий белгилар вужудга келади.

Маълумки, яққалик, хусусийлик ва умумийлик биологик объект ва биологик жараёнларнинг ҳар бирига хос алоҳида, маълум гуруҳига хос маҳсус ва ҳаммасига хос умумий хусусиятлар ҳамда улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорликни ифодалайди. Биологияни ўқитишда ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантиришда когерентлик муҳим ўрин тутаяди.

Шунингдек, табиий фанларнинг ривожланиши, фанлар ўртасида дифференциация ва интеграция жараёнларининг вужудга келиши объектив қонуният сифатида биология, кимё ва физика каби табиий фанлар ўртасида фанлараро боғланишни амалга оширишни талаб этади.

Диссертациянинг **«Интегротив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларни шакллантириш методикаси»** деб номланган иккинчи бобда таълим жараёнини такомиллаштиришда электрон воситаларни интегротив ёндашув асосида ишлаб чиқишнинг педагогик-психологик асослари, ахборот ресурсларини яратиш талаблари ва таркибий структураси, 9-синф «Биология» фани учун ишлаб чиқилган мультимедиали электрон таълим ресурси мазмуни, фойдаланиш методикаси, медиатаълим ресурсларидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг таянч ва фанга доир хусусий компетенцияларини шакллантириш методикаси хусусида фикр юритилган.

Олиб борилган изланишлар натижасида интегротив ёндашув асосида ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларини шакллантириш мақсадида 9-синф биология фанидан электрон ахборот-таълим ресурси (ЭАТР) ишлаб чиқилди. Интегротив ёндашувлар асосида таълим мазмунига мос келадиган дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар, электрон-таълим ресурсларини ишлаб чиқишга қўйиладиган дидактик талаблар

ўрганилди. Электрон дарслик қуйидаги талаблар асосида ишлаб чиқилди: дарсликнинг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги, тақдим қилинаётган материалнинг илмий асосланганлиги, замонавий қарашларга мослиги, назарий хатоликка йўл қўйилмаганлиги ва мукамал шакллантирилганлиги, матннинг тўлиқлиги, грамматик ва орфографик хатолардан холилиги, дарсликнинг услубий ишлаб чиқилганлик даражаси, педагогик технологияларнинг қўлланилганлиги, миллий ва маънавий қадриятларга мослиги, билимларни мустаҳкамлаш учун машқларнинг мавжудлиги, назорат материалларининг (топшириқлар, машқлар, жумбоқ ва ўйинлар) ишлаб чиқилганлиги, статик ва динамик тасвирлар, иллюстратив (фото, видео, анимация ва б.) материалларнинг етарлилиги, ўқувчилар ёшининг психологик ва педагогик хусусиятлари ҳисобга олинди. Электрон дарсликнинг эргонометрик талабларга жавоб бериши, ранг, шрифт, монитор экрани ва шу кабиларга қўйилган талабларга мослиги, электрон дарсликни компьютерга ўрнатишнинг қулайлиги, дарслик билан ишлаш ва бошқаришнинг қулайлиги ва ҳ.к.ларга ҳам эътибор қаратилди. 9-синф учун «Биология» фанидан ишлаб чиқилган электрон дарсликда умумий дидактик ва методик жиҳатлар ҳам инобатга олинди, яъни:

таълим мақсадларини таҳлил қилиш асосида мазкур ўқув предмети мазмуни аниқланди;

ўқув предмети ахборот тузилмаси ишлаб чиқилди ва у ўқув элементлари тизими кўринишида ифодаланди;

компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларини шакллантириш ҳамда ўқув элементларини ўзлаштириш даражаси аввалдан ташхисланди.

Электрон дарсликлар матнларнинг бир қанча кўринишда бўлиши билан босма матнлардан фарқланади. Бу ўқувчиларнинг мавзуни самарали ўрганишига ижобий таъсир кўрсатади. ЭАТР қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- 1) электрон интерфаол дарслик;
- 2) мустақил ишлаш учун топшириқлар (мустақил иш топшириқлари электрон интерфаол доскада ишлаш учун ҳам мўлжалланган);
- 3) мавзуларга мос фильмлардан лавҳалар (биология фанидан ўқув фильм, 9-синф AVI);
- 4) муаллифлар ҳақида.

Бу каби инновацион асосга эга бўлган таълимий технологиялар ўқувбилиш фаолиятининг жадаллашуви ва интеграцион жараёнларнинг вужудга келиши, медиатаълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

Медиатаълим ресурсларидан фойдаланишда ўқитувчи ўқувчиларнинг қуйидагиларни амалга оширишига эътибор қаратиши лозим:

ҳар қандай контекстда берилган ва турли шаклдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиш;

изланаётган медиатаълим ресурсларининг номи, мавзуси ва дарслик йўналишига мос келиш ёки келмаслиги, буларга берилган изоҳ, тавсиф ва

қўшимча дидактик материаллардан фойдалана олиш компетенциясига эга бўлиш;

биология фани бўйича медиатаълим ресурсларидан олинаётган материал ва манбалар, яъни барча материалларни дарсликдаги мавзулар бўйича тизимлаштириб фойдаланишга ўрганиш, берилаётган вербал тарздаги (матнли кўринишдаги) материалларни визуал ҳолатга ўтказиш компетенциясини шакллантириш, яъни берилган матн асосида кўрсатмали манбалар яратиш;

берилаётган визуал (чизма, сурат, расм кўринишидаги) материалларга ишлов бериш компетенциясини шакллантириш;


берилган медиатаълим ресурси материалларини трансформация қилиш, яъни берилган материалларнинг ҳажми, мазмуни ва шаклини дарслик материалига мослаштириш, қисқартириш ёки ўзгартириш ҳолатларига эътиборли бўлиш;

берилаётган информацион (ахборот) оқимнинг (йўналишлари)ни таҳлил этиш ҳамда коммуникацион мақсадларини билиш;

медиатаълим ресурсларидан олинган материалларни ўз сўзи билан айтиб бериш, асослаш (аргументлаш) орқали коммуникатив компетентлигини шакллантириш.

Агар берилган медиатаълим ахборотлар ресурси материалларини аргументлаш қобилиятига эга бўлмаса, ўқувчи ҳеч қачон берилган ресурс материалларини дарслик материалларига уйғунлаштира олмайди. Медиатаълимнинг бир тури Интернет тармоғидан фойдаланишдир. Интернет тармоғининг таълим бериш соҳасида қўлланилиши ахборот технологияларидан фойдаланишнинг барча имкониятларини тўлиқ очиб беради, синф – дарс тизимида мавжуд бўлган камчиликлар бартараф қилинади. Таянч ва биология фанига доир хусусий компетенцияларни шакллантиришнинг методик таъминоти, интегратив технология босқичларида виртуал лабораториялар, «Инфобио» ўқув видеомулоқот – видеоконференцияларни ташкил этиш ўқитувчиларнинг ахборот маданиятини ривожлантириш, ўқувчиларнинг таълимий-дастурий воситалар билан ишлаш лаёқатини шакллантириш имкониятини яратади. Ўқувчиларда фанга оид (хусусий) компетенцияларни шакллантириш бевосита фанга оид объект, ходиса ва жараёнларни тушуниш, таниш ва изоҳлаш, улар устида кузатиш ва тажрибалар ўтказиш, ўқитиш шакллари (дарс, дарсдан ташқари машғулотлар, синфдан ташқари машғулотлар, экскурсиялар)ни узвий тизимлаштириш, ўқитиш воситалари ва методларини ўзаро интеграциялаш, соғлом турмуш тарзи ва экологик билимларни эгаллаш орқали амалга ошади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда фанга оид хусусий компетенцияларни шакллантириш механизмини қуйидагича тавсифлаш мумкин (2-расм).



**2-расм. Интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда фанга оид хусусий компетенцияларни шакллантириш механизми**

Мазкур расмда ўқитиш методлари, шакллари, ахборот ва инновацион технологиялар интегративлиги асосида дарс, синф (дарс)дан ташқари машғулотлар, экскурсияларни ташкил этиш орқали ўқувчиларда фанга оид хусусий компетенцияларни шакллантириш ва кўзланган натижага эришиш жараёни кўрсатилган.

Интегратив ёндашув асосидаги компетенциявий таълимни ташкил этиш жараёни билан анъанавий ўқитиш жараёнини таққослаб, компетенциявий таълимни жорий этиш орқали самарали натижаларга эришиш мумкин (1-жадвал).

Бу жадвалда интегратив ёндашув асосидаги компетенциявий таълимни ташкил этиш жараёни билан анъанавий ўқитиш жараёни таққосланган бўлиб,

интегратив ёндашув асосидаги компетенциявий таълимни ташкил этиш жараёнида машғулотларни олиб бориш натижасида таълим самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ва ўқувчиларда мотивациянинг қарор топишини таъминлаш мумкин.

1-жадвал

**Интегратив ёндашув асосидаги компетенциявий таълимни ташкил этиш жараёни билан анъанавий ўқитиш жараёнини таққослаш**

Т/р	Таълим жараёни	Анъанавий таълим	Интегратив ёндашув асосидаги компетенциявий таълим
1.	Таълим мазмуни	Билим кўникма ва малакалар	Билим кўникма ва малакалар ҳамда таянч, фанга оид хусусий компетенциялар
2.	Ўқитиш воситалари	Жадваллар, слайдлар, тарқатма материаллар	Жадваллар, слайдлар, тарқатма материаллар ва «компьютерли таълим воситалари» (мультимедиа ресурслари)
3.	Ўқитиш методлари	Оғзаки, кўргазмали, амалий	Оғзаки, кўргазмали, амалий ҳамда мантиқий, муаммоли, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари
4.	Педагогик технологиялар	Анъанавий таълим технологиялари	Дидактик ўйин, модулли таълим, ҳамкорликда ўқитиш технологиялари, муаммоли таълим технологиялари
5.	Ўқитиш шакллари	Дарс ва дарсдан ташқари ишлар	Дарс, мустақил ишлаш, синфдан ташқари машғулотлар («Инфобю» конференциялар), вертуал лабораториялар
6.	Кутилаётган натижалар	Билим кўникма ва малакалар	Билим кўникма ва малакалар ҳамда таянч, фанга оид хусусий компетенциялар

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишлари мазмуни ва натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида тажриба-синов ишларининг ташкил қилиниши, мазмуни, статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси ҳақида фикр юритилган.

Биология фанини ўқитишда интегратив ёндашув асосида ўқувчиларда таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш муаммоси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар, педагогика ва биология ўқитиш методикаси соҳасида яратилган методик қўлланмалар ва тавсиялар мазмуни билан назарий танишиб чиқиш асосида амалий тажриба-синов ишларини самарали, мақсадга мувофиқ ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган дастур доирасида олиб борилганлиги, тажриба-синов майдонларида педагогик шароитлар мавжудлиги, сифат даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили билан таъминланди.

Тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг мақсади аниқлаб олинди ва умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишда интегратив ёндашув асосида ўқувчиларнинг таянч ва фанга оид хусусий компетенцияларини шакллантиришга қаратилган амалий фаолият мазмуни ишлаб чиқилди.

Тажриба синов ишлари 2014–2017 ўқув йиллари давомида Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 8-сонли умумтаълим мактаби, Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 16-сонли умумтаълим мактаби, Наманган вилояти, Наманган шаҳар 18-сонли умумтаълим мактабларида ўтказилиб, унда жами 618 нафар ўқувчи қатнашди. Ўқувчиларда интегратив таълим ёндашувлари асосида таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантиришга қаратилган жараён самарадорлиги белгиланган мезонлар бўйича «аъло», «яхши», «қониқарли» «қониқарсиз» баҳолар билан баҳоланди (2-жадвал).

2-жадвал

**Тажриба-синов ишларига жалб қилинган ўқувчилар сони**

Т/р	Мактаблар	2014–2015 ўқув йили	2015–2016 ўқув йили	2016–2017 ўқув йили	Жами
1.	Навоий шаҳридаги 8-сонли мактаб	70	68	70	208
2.	Наманган шаҳридаги 18-сонли мактаб	68	68	70	206
3.	Самарқанд вилоят Нарпай туманидаги 16-сонли мактаб	70	68	66	204
